



## ҚОРАМОЛЛАРНИ БҮРДОҚИЛАШ

Республикамиз ақолисини сифатли гүшт маҳсулотлари билан талаб даражасида таъминлашда қорамолларни зоти, зотдорлиги, ёши, сақлаш ва парваришлиш шароити ҳамда озиқлантириш технологияси мухим ақамият касб этади.


Хозирги кунда гүшт ишлаб чиқариш учун бүрдоқиланаётган ёш чорва молларини озиқлантиришда хўжаликда мавжуд озиқалардан ташқари озиқовқат саноати, консерва заводлари, пиво ва вино ишлаб чиқариш заводлари, пахта ва ёғ саноати чиқиндилари ҳамда ошхона чиқиндилари каби арzon озуқалардан фойдаланган ҳолда ёш қорамолларни 18 ойлигига 400-450 кг – га етказиш технологиясини қўллаш самарали натижалар беради.

Ёш қорамоллардан жадал технология асосида гүшт етиштириш куйидаги уч даврдан иборат: 4-6 ойлик эркак бузоқлар 4 ой давомида парвариш ҳамда кейинги 4 ой давомида ўстириш ва охирги 2-4 ойда жадал бүрдоқилаш даврларини ўз ичига олади.



Парваришлиш даврида озуқанинг 35 % ни дағал, 30 % ни омухта озуқалар қолган 35% % ни ширали озуқалар ташкил қиласди. Ўстириш даврида концентрат озуқалар миқдори 39 % га кўпайтириш орқали жадаллаштирилади. Ўртacha кунлик ўсиш 800 граммни ташкил қиласди. Бүрдоқилаш технологияси бўйича 150 кун бўрдоқиланди. Бўрдоқилаш даври ҳам 3 даврга бўлинади. 30 кун тайёрлаш, 60 кун асосий ва 60 кун якуний. Ушбу даврда ёш қорамоллар вазни кунига 900-1000 граммдан ўсади.

Бўрдоқилашнинг 1-даврида озиқлантириш рационининг тўйимлилиги бўйича қуруқ моддага нисбатан 38 % ни ширали, 19% ни дағал ҳамда 43 % ни концентрат озуқалар ташкил қиласди. 2 даврдан бошлаб молларнинг рационига пахта шелухаси киритилади ҳамда концентрат озуқалар миқдори 44% га етказилади. Бўрдоқилашнинг 3 даврида ўртacha кунлик ўсиш 1000





граммни ташкил қиласи. Молларга бериладиган озуқалар яхшилааб майдаланади, аралаштирилади, ош тузи ва минерал тузлар қўшилиб омухта ҳолида берилади. Рационда концентрат озуқалар 56 % га кўтарилади, ширали озуқалар 27 %, пахта шелухаси 17 % ни ташкил этиб, ўртacha 13,5 килограмм озуқа бирлигига етказилади.

Деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда молларни бўрдоқилашда енгил типдаги бинолар ва айвон, бостирмаларда фойдаланиш ҳамда озиқлантиришда эса сомон, пичан, пахта шелухаси, шрот, кепак, озиқ-овқат саноати, полиз ва сабзавот экинлари чиқиндиларидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Дағал озуқаларни тўйимлилигини ошириш учун 3-4 см узунликда майдаланади, пиво ва вино бардаси ёки кепак аталаси қўшиб увитилади. 100 кг сомонга 100-120 литр 1 % ли тузли сув қўшилиб, ҳар бир бош қорамолга 80-100 граммдан мочевина қўшиб берилади. Бундай усулда тайёрланган озуқа қорамоллар ошқозонида тез ҳазм бўлади ва тўйимлилиги ошади.

**Мақола муаллифи**  
**Ўткир Соатов**

*ТДАУ Умумий зоотехния ва  
ветеринария кафедраси профессори  
қишилоқ хўжалиги фанлари доктори*